

**Ўзбекистон Республикаси  
Қашқадарё вилояти**  
**МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ**  
**"AUDIT-HISOB MARKAZI"**  
**АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ**

*Юридик манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, 180100, Мустақиллик-2, тел. +99891-4603010  
Лицензия: Аудиторлик фаолияти бўйича МВ нинг 2008 й. 14 мартағи АФ №00376 рақамили лицензиясига эга.*

**Миришкор туманидаги "JEYNOW PAXTA TOZALASH" АЖ нинг  
2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботига**

**ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН  
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

*Буюртмачи: "JEYNOW PAXTA TOZALASH" АЖ*

*Раҳбари: Ш.Тўраев.*

*Манзили: Миришкор тумани.*

*СТИР рақами 200 701 657. ОКОНХ коди 17111.*

Мен, МЧЖ «AUDIT-HISOB MARKAZI» аудиторлик ташкилоти (Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, 7-миттитуман, 8/27-йда жойлашган, СТИР рақами 203 798 660, ОКОНХ коди 84400, Банк: ТИФ Миллий банк Қашқадарё филиали, МФО коди 00150, X/p. 20208000104153882001) директори (аудитор) Эргашева Зебо Эшмурадовна (аудитор малака сертификати рақами №05486, МВ томонидан 09.06.2017 й. берилган) томонидан «JEYNOW PAXTA TOZALASH» АЖ нинг баланс, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботдан иборат 31.12.2017 йил ҳолатидаги молиявий ҳисботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

**Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятиининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

**Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисбот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «JEYNOW PAXTA TOZALASH» АЖ нинг илова қилинган молиявий ҳисботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисбот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувани Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисбот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувани режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизининг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисбот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради, деб ҳисоблаймиз.

**Ижобий фикр**

Бизнинг фикримизча, «JEYNOW PAXTA TOZALASH» АЖ нинг 2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

**Аудиторлик ташкилоти раҳбари,  
аудитор : -**

2018 йил, 20 апрель

**3.Эргашева**